

**РАҚОБАТЛАШМАСЛИК ҲАҚИДА КЕЛИШУВ ТУЗИШНИНГ
БИЗНЕС СУБЪЕКТЛАРИ ФАОЛИЯТИДАГИ АҲАМИЯТИ.**

Мамасолиев Ғайратбек Махамадюсупович.

А.Д.У. Иқтисодиёт кафедраси катта ўқитувчиси.

Мамасидиқов Баходир Абдубоқи ўғли.

А.Д.У. «Туризм» йўналиши талабаси.

Аннотация: Бозор иштирокчилари аксарият ҳолларда ўзаро рақобатлашадилар, бироқ баъзи ҳолатларда бизнес субъектлари рақобатлашмасликка келишишга ҳаракат қиладилар.

Рақобатлашмаслик – бу ходимнинг меҳнат муносабатлари давом этаётган вақтда ёки меҳнат муносабатларини тугатиш вақтида ёки ундан кейин иш берувчи билан рақобат муносабатида бўлган ташкилотга ишга жойлашмаслик, шунингдек, рақобатлашадиган ташкилот ташкил этмасликдир.

Ўзбекистон меҳнат қонунчилигида рақобатлашмаслик ҳақидаги қоидаларнинг меҳнат шартномасига киритилиши ёки илова қилиниши ходимларнинг ҳуқуқларини қонунлар ва шартномаларга нисбатан ёмонлаштириш, деб ҳисобланади. Бундай қарашлар замонавий дунё учун аллақачон эскирган бўлиб, рақобатлашмаслик ҳақидаги келишувларда илғор тажрибадан фойдаланиш мақсадга мувофиқ саналади.

Калит сўзлар: рақобат, рақобатлашмаслик, рақобатлашмаслик ҳақидаги келишув, бизнес субъектлари, ўзаро келишув, меҳнат қонунчилиги.

Abstract: Abstract: Market participants in most cases compete with each other, but in some cases business entities try to agree not to compete.

Non-competition is not to be employed by an organization that competes with the employer during the employee's employment relationship, or at the time of termination of employment relationship or after, as well as not to establish a competing organization.

In the labor legislation of Uzbekistan, the inclusion or attachment of provisions on non-competition to the employment contract is considered to be a violation of the rights of employees in relation to laws and contracts. Such views are already outdated for the modern world, and it is considered appropriate to use best practices in non-compete agreements.

Key words: competition, non-compete, non-compete agreement, business entities, mutual agreement, labor law

Аннотация: Участники рынка в большинстве случаев конкурируют друг с другом, но в ряде случаев хозяйствующие субъекты стараются договориться о неконкуренции.

Внеконкурсный прием на работу в организацию, конкурирующую с работодателем, в период трудовых отношений работника, либо в момент прекращения трудовых отношений, либо после него, а также создание конкурирующей организации не допускается.

В трудовом законодательстве Узбекистана включение или присоединение положений о недопущении конкуренции к трудовому договору считается нарушением прав работников в отношении законов и договоров. Такие взгляды уже устарели для современного мира, и считается целесообразным использовать передовой опыт в соглашениях о неконкуренции.

Ключевые слова: конкуренция, неконкуренция, договор о неконкуренции, хозяйствующие субъекты, взаимное соглашение, трудовое законодательство.

Рақобат бозор механизмининг асосий таркибий қисмларидан бири бўлиб, бозор иқтисодиётини ривожлантириш воситаси ҳисобланади.

Рақобат - иқтисодий фаолият иштирокчиларининг ўз манфаатларидан келиб чиқиб, юқори даромад олиш имконига, юқори наф, нуфузли мавқега эга бўлиш учун бошқалар билан беллашуви, курашидир. У бозор субъектлари иқтисодий манфаатларининг тўқнашиши туфайли юз беради¹.

¹ Т. Жўраев, Д. Тожибоев. ИҚТИСОДИЁТ НАЗАРИЯСИ. Ўқув қўлланма. Тошкент – «Fan va texnologiya» – 2013. 322 бет.

Рақобат - бозор субъектлари иқтисодий манфаатларининг тўқнашувидан иборат бўлиб, улар ўртасидаги юқори фойда ва кўпроқ нафлиликка эга бўлиш учун курашни англатади².

Юқоридаги таърифлардан кўриниб турибдики, бозор субъектлари ўз манфаатлари йўлида бир-бирлари билан ўзаро курашадилар. Рақобат иштирокчиларининг имкониятлари ҳар доим ҳам тенг шароитда бўлмайди. Шу сабабли ҳам давлат рақобатнинг барча иштирокчиларининг манфаатлари барча соҳаларда қонун йўли билан ҳимоя қилиниши кафолатлайди.

Рақобат - хўжалик юритувчи субъектларнинг (рақобатчиларнинг) мусобақалашуви бўлиб, бунда уларнинг мустақил ҳаракатлари улардан ҳар бирининг товар ёки молия бозоридаги товар муомаласининг умумий шарт-шароитларига бир томонлама тартибда таъсир кўрсатиш имкониятини истисно этади ёки чеклайди³.

Бозор иштирокчилари ўзаро рақобатлашсаларда, баъзи ҳолатларда бизнес субъектлари рақобатлашмаслик ҳақидаги қоидаларга риоя қилишга ҳаракат қиладилар.

Рақобатлашмаслик – бу ходимнинг меҳнат муносабатлари давом этаётган вақтда ёки меҳнат муносабатларини тугатиш вақтида ёки ундан кейин иш берувчи билан рақобат муносабатида бўлган ташкилотга ишга жойлашмаслик, шунингдек, рақобатлашадиган ташкилот ташкил этмасликдир.

Рақобатлашмаслик (нон-компит - non compete) келишув тузиш орқали амалга оширилади. Рақобатлашмаслик ҳақидаги келишув (Non-compete agreement) – бу тарафлардан бири иккинчиси билан ҳамкорлик қилиши

² В.У. ХОДИЙЕВ, Ш.Ш. ШОДМОНОВ. ИҚТИСОДИЙОТ НАЗАРИЯСИ. ДАРСЛИК. Toshkent t- «Barkamol fayz media» nashriyoti, 2017. 781-bet.

³ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING «РАҚОБАТ ТЎҒРИСИДА» ГИ ЎРҚ-319-сонли ҚОНУНИ. 2012 йил 6 январь.

оқибатида эгаллаган муайян билим ва кўникмалар воситасида рақобатлашишга қаратилган ҳаракатлардан ўзини тийиши лозимлиги ҳақидаги келишувдир.

Агар ушбу чекловни бузсангиз, унда тегишли жавобгарликка (етказилган зарарни тўлашга) тайёр бўлишингиз керак. Таъкидлаш лозимки, гап бу ерда меҳнат муносабатлари билан боғлиқ рақобатлашмаслик ҳақида кетмоқда.

Бироқ, ҳозирча миллий қонунчилигимизга кўра, рақобатлашмаслик ҳақидаги келишувни тузиш мумкинлиги сўроқ остидалигини айтиб ўтиш лозим. Чунки меҳнат шартномаси муайян хусусиятларга эга бўлган ва меҳнат қонунчилигини қўлловчи шартнома бўлиб, унда ҳар қандай келишувларни белгилаш мумкин эмас. Айниқса бу меҳнат билан бевосита боғлиқ бўлмаганда жуда мушкул.

Фуқаролик ҳуқуқий муносабатларда эса бизнес субъектлар ёки юридик шахслар ўртасида рақобатлашмаслик ҳақидаги келишувни бемалол тузиш мумкин ва улар фуқаролик ҳуқуқида номланмаган шартномалар гуруҳига киради.

Бозор иқтисоди ривожланган давлатларда иш берувчининг ишлаб чиқариш ва тижорат сирларини муҳофаза қилиш, соғлом рақобат муҳитини таъминлашда ушбу келишувга алоҳида аҳамият берилади. Ғарбий Европа (Бельгия, Германия, Франция, Испания, Италия) ва Шарқий Европа давлатлари (Грузия, Чехия, Руминия) меҳнат қонунчилигида рақобатлашмаслик ҳақида келишув тушунчаси мавжуд.

Хусусан, Собиқ Иттифоқ давлатларида рақобатлашмаслик ҳақидаги келишув янги таҳрирда қабул қилинган Қозоғистон Республикаси Меҳнат кодексининг (2016-йил) 29-моддасида, Литва Меҳнат кодексининг (2017-йил) 38-моддасида ўз аксини топди.

Ўзбекистонда рақобатлашмаслик ҳақидаги келишув қонунлар ёки қонун ости ҳужжатлар билан тартибга солинмаган. Бироқ, Меҳнат кодекси, «Тижорат сирлари тўғрисида»ги қонун, Ходимлари тижорат сиридан фойдаланадиган корхоналар ва ташкилотлар учун тижорат сирлари режимига риоя этилиши бўйича

Намунавий низом билан иш берувчининг тижорат сирларини ходимлар томонидан муҳофаза қилиш бўйича қоидалар мавжуд.

Хусусан, Меҳнат кодексининг 202-моддасида тижорат сирини ошкор этилганда ходимга тўлиқ моддий жавобгарлик юклатилади. Одатда бундай ҳолларда ходим билан меҳнат шартномасига қўшимча равишда тўлиқ моддий жавобгарлик тўғрисида шартнома тузилади⁴.

Мазкур механизм ходимга тижорат сирларини ошкор қилмаслик мажбуриятини юклайди ва аммо бу ходимнинг рақобатлашувчи компанияга ишга ўтишига тўсқинлик қилмайди. Бундан ташқари, ходимнинг тижорат сирини ошкор қилмаслик ҳақидаги мажбуриятлари меҳнат шартномаси бекор қилинганидан кейин ўз кучини йўқотади. Бундай тартиб эркин рақобат шароитида иш берувчиларнинг манфаатларини кучсиз ҳимоя қилади.

Шу сабабли бугун бутун дунё амалиётида қўлланиб келинаётган рақобатлашмаслик ҳақидаги келишувни Ўзбекистон меҳнат қонунчилигига киритишни ўйлаб кўриш вақти келган.

Фақат бу ерда битта катта муаммо мавжудлигини эътироф этиш керак. Бу ҳам бўлса шахснинг эркин меҳнат қилиш ҳуқуқига рақобатлашмаслик ҳақидаги келишув қоидаларнинг зид келишидир. Бироқ, бу масала бўйича ҳам турли қарашлар амал қилади. Шулардан бири рақобатлашмаслик ҳақидаги келишув шахснинг меҳнат ҳуқуқларини тўлиқ чеклаш эмаслиги, аксинча муайян салбий оқибатлар келиб чиқиши мумкин бўлган тақдирда бунга йўл қўйилиши ҳақидаги қарашлардир.

Бундан ташқари мазкур келишувга мувофиқ ходим муайян вақт давомида рақобатчи компанияга ишга кирмаган тақдирда иш берувчидан ҳақ олиши мумкин. Мазкур амалиёт ҳозирда кўплаб давлатларда амал қилиб келмоқда.

Хулоса сифатида айтиш мумкинки, айтиш пайтда Ўзбекистон меҳнат қонунчилиги нон-компит (non compete)га йўл қўймайди. Рақобатлашмаслик

⁴ Ўзбекистон Республикасининг «Меҳнат Кодекси». . 3-§. 202-модда.

ҳақидаги қоидаларнинг меҳнат шартномасига киритилиши ёки илова қилиниши ходимларнинг ҳуқуқларини қонунлар ва шартномаларга нисбатан ёмонлаштириш, деб ҳисобланади.

Аммо бундай қарашлар замонавий дунё учун аллақачон эскирган. Шу сабабли бу борадаги илғор тажрибадан фойдаланиш мақсадида рақобатлашмаслик ҳақидаги келишувга оид нормаларни янги Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг «Меҳнат шартномаси» бобига киритиш таклиф этилади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикасининг «Меҳнат Кодекси». 3-§. 202-модда.
2. Ўзбекистон Республикасининг «Рақобат тўғрисида» ги ЎРҚ-319-сонли Қонуни. 2012 йил 6 январь.
3. В.Ҳ. Ходиев, Ш.Ш. Шодмоннов. Iqtisodiyot Nazariyasi. Darslik. Toshken T- «Barkamol Fayz Media» Nashriyoti, 2017. 781-Bet.
4. Т. Жо‘раев, Д. Тожибойев. Iqtisodiyot Nazariyasi. O‘quv Qo‘llanma. Toshkent – «Fan Va Texnologiya» – 2013. 322 Bet.